ТАЪЛИМДА ЧИРЧИҚ ТАЖРИБАСИ

Саодат Тоштемирова
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Чирчиқ давлат педагогика институти томонидан таълим соҳасида таълим турлари ўртасидаги узлуксизлик, узвийлик ва изчилликни таъминловчи янги инновацион ёндашув сифатида татбиқ этилаётган таълим кластери асосида умумтаълим мактабларида таълим самарадорлигини оширишнинг амалий аҳамияти келтирилган.

Калит сўзлар: интеграция, таълим кластери, “мактаб-лаборатория”, таълим сифати, самарадорликни ошириш, ҳамкорлик механизмлари.

THE EXPERIENCE OF CHIRCHIK IN EDUCATION

Saodat Toshtemirova
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article highlights the practical importance of increasing the effectiveness of education in secondary schools on the basis of the education cluster, implemented by the Chirchik State Pedagogical Institute as a new innovative approach to ensure continuity, coherence and consistency between types of education.

Keywords: integration, education cluster, "school-laboratory", quality of education, efficiency, cooperation mechanisms.

КИРИШ

Таълим тизимидаги инновацион ва тажриба фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири илмий-услубий ва ижтимоий-педагогик умумийликни яратиш орқали умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчиларини ривожлантириш учун янги йўналиш ва янги механизмларни ишлаб чиқиш деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу вазифалар умумтаълим муассасаларида инновацион ёндашув асосида ўтказиладиган амалий тажрибаларни танлашда кўрсатма бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг такомиллаштирилган фаолияти жамиятга рақобатбардош, муваффақиятли, ижодий, баркамол шахсни алоҳида ўзи етказиб бера олмайди. Бу фақат таълим турлари ўртасидаги ҳамда фан, таълим ва

ишлаб чиқаришдаги интеграцион жараёнларни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар билан амалга ошиши мумкин.

Таълим соҳасида Чирчиқ давлат педагогика институти тақдим қилаётган таълим кластери педагогикамизда янги жараён бўлиб, уни амалга оширишнинг энг асосий воситаларидан бири сифатида “Мактаб–лаборатория” инновацион-интеграцион майдончаларини келтириш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Чирчиқ давлат педагогика институти асосий стратегик тадқиқот объекти бўлган Педагогик таълим кластерининг назарий ва амалий асослари институт олимлари, илмий тадқиқотчилари ва талабалари томонидан чуқур тадқиқ қилинмоқда. Айниқса мамлакатимиз олимлари Ғ.И.Мухамедов, Ш.Қ.Мардонов, У.Н.Ходжамқулов, Р.Эшчанов, Б.Эшчановлар, ёш-тадқиқотчилар Ш.Ботирова, С.Тоштемирова, Н.Кошанова, Қ.Махмудов ва бошқаларнинг илмий-тадқиқотчилик фолиятларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Таълим кластери доирасида бир қатор лойиҳалар жорий этилиб, улар Давлат таълим стандартида белгиланган қуйидаги тамойилларга асосланади:

ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлиги;

умумий ўрта таълим мазмунининг инсонпарварлиги;

давлат таълим стандартининг таълим соҳасидаги давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги;

умумий ўрта таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;

Республикадаги барча ҳудудларда умумий ўрта таълим мазмунининг бирлиги ва яхлитлиги;

умумий ўрта таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усулларини танлашда инновация технологияларига асосланилганлиги;

ўқувчиларда фанларни ўрганиш ва таълим олишни давом эттириш учун таянч ва фанларга оид умумий компетенцияларни ривожлантиришнинг таъминланганлиги;

ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

МУҲОКАМА

Таълимни модернизация қилишда бир қатор инновацион ёндашувлар ҳисобга олиниб, **“Таълимда – Чирчиқ тажрибаси”** лойиҳаси доирасида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим самарадорлигини оширишда қуйидаги хусусиятларни инобатга олиши мақсадга мувофиқ:

- таълим мазмунининг умумий таълим кўникмаларини шакллантиришга, ўқитишнинг умумлаштирилган усулларига, когнитив, коммуникатив, амалий, ижодий фаолиятга, ушбу фаолиятда ўқувчиларни тажриба орттиришга йўналтирилиш;

- фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қадриятларини эъзозлаш, ўқувчи шахсини шакллантиришга ҳисса қўшадиган таълим потенциали ва таълим мазмунининг ижтимоий-гуманитар йўналишини кучайтириш;

- асосий компетенцияларни шакллантириш - амалий муаммоларни ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг реал ҳаётда олган билим, малака ва кўникмаларидан фойдаланишга тайёрлаш;

- ўқувчиларнинг ижтимоийлашувини муваффақиятли даражада таъминлайдиган фанларнинг ўқитилишини кучайтириш ва б.

Таълим самарадорлигини оширишнинг мураккаб вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, уни такомиллаштириш фақат педагогик фаолиятини объектив ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида ўқитиш ва таълим жараёнини самарали қуришга асосланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда умумтаълим муассасалари таълим сифатини таҳлил қилиш давомида кўплаб муаммоларнинг ҳал этилмаганлигини кўришимиз мумкин:

умумий ўрта таълим тизими ўқитувчилари орасида ўзини-ўзи ривожлантириш мотивациясининг йўқлиги;

ўқитувчиларнинг ўқувчилар билимини ошириш учун замонавий воситалар, усул ва механизмлардан етарли даражада фойдаланмаслиги;

аксарият ҳолатларда ўқитувчиларнинг асосий таянч тайёргарлиги инновацион усуллардаги фаолият механизмларига ҳисса қўшмайдиган анъанавий ўқитиш усулларидан фойдаланиш билан чекланганлиги;

дарс машғулотларини ташкил этишда табақалаштирилган ёндашув амалга оширилмаганлиги (яъни тез ўзлаштириш имконияти мавжуд ўқувчи билан секин ўзлаштирадиган ўқувчилар учун бир хил дастур ва топшириқлар билан чекланганлиги);

мактабгача таълим, бошланғич ва умумий ўрта таълим ўртасидаги узвийликнинг ҳисобга олинмаслиги;

таълим муассасаларида таълим сифатини бошқаришга тизимли ёндашувнинг йўқлиги каби бир қатор муаммолар мавжудлигини исботлади.

Шу муаммоларни бартараф этиш учун таълим тизими фаолиятида тегишли даражадаги зарур педагогик шароитлар таъминланса, муассасаларда ўқувчиларни ўқитиш сифати яхшиланиши ва юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этилиши ҳамда юқори натижалар кафолатланиши мумкин. Бунинг учун:

- сифатли таълим олиш мақсадига эришишга йўналтирилган педагогик тизимни яратиш;

- доимий равишда ўқувчиларнинг таълим сифатини ошириб бориш учун уларда ижобий мотивацияни ривожлантириш;
- ўқувчиларни ўқитишнинг таълим ва юқори натижа билан ўзаро боғлиқлиги;
- шахсга йўналтирилган педагогик технологиялардан фойдаланиш,
- таълим муассасаси майдонида ўрганиш учун қулай психологик муҳитни яратиш.

Умумтаълим муассасаларида таҳлиллар натижасидаги муаммоларга мувофиқ қуйидаги вазифаларни ишлаб чиқиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади:

таълим муассасасида ўтказилган мониторинг натижалари асосида ўқитувчилар учун сифатли таълимни ташкил қилиш бўйича услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқитувчининг касбий фаолиятини такомиллаштиришнинг қулай усуллари орқали ривожлантиришга йўналтирилган услубий уюшмаларнинг фаолиятини кучайтириш;

иқтидорли болалар билан ишлашни янада самарали механизмларини ташкил этиш (ўқитувчиларни ўқувчиларнинг илмий, лойиҳавий фаолияти учун шароит яратишга ундаш);

ўқитувчиларнинг таълим технологияларини ривожлантиришдаги ишлари устидан аниқ назорат ва мониторинг ўтказиш;

умумий ва махсус таълим, ижодий қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайдиган инновацион технологиялар жорий этиш;

таълим жараёни иштирокчиларининг замонавий ахборот-коммуникация кўникмаларини ривожлантириш;

ўқув-тарбиявий муаммоларни ҳал қилишда мактабларда ўзини-ўзи бошқаришнинг ролини кучайтириш;

умумтаълим дастурларига қўшимча дастурларни киритиш (ўқувчиларнинг иқтидорига, ўзлаштириш даражасига мувофиқ);

мактаб битирувчиларини келажакда касбни танлаш бўйича касбий йўналтиришни ва танланган касбнинг истиқболдаги муваффақияти кафолати таъминланмаслигини ҳисобга олган ҳолда, қўшимча йўналишдаги касбни танлашга имкон берадиган билим, кўникма ва малакага эга бўлиш мақсадга мувофиқлигини кучайтириш;

ўқувчиларни соғлом турмуш тарзини олиб бориш ва соғлигини сақлаш учун барқарор кўникмаларни эгаллашга ундаш.

“Таълимда - Чирчиқ тажрибаси” лойиҳасининг мақсади кластер асосида минтақавий умумий ўрта таълим муассасалари таълим самарадорлигини оширишдан иборат.

Дастурнинг мақсадларига эришиш олий таълим ва умумтаълим муассасаси ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асоси бўлган Педагогик таълим инновацион кластери тизимли фаолияти, кафедралар профессор-ўқитувчилари илмий салоҳияти, умумтаълим муассасаси ўқитувчилари томонидан тўпланган тажриба, мавжуд ютуқлар ва аниқланган муаммолар йўналишлари, уларни ҳал этиш усуллари, шакллари ва техник воситалари орқали таъминланади. “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари ҳажми ортади, таълим самарадорлигини оширувчи лойиҳалар амалиётга жорий қилинади.

Лойиҳа мақсадидан келиб чиқиб кафедралар кесимида бир қатор вазифалар белгиланган. Умумий характерга эга бўлган қуйидаги вазифаларни келтириш мумкин:

- ўқув жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш ва ўқув натижаларини яхшилаш;
- ўқув жараёнларини замонавий даражада таъминлаш;
- таълим самарадорлигини ошириш воситаси сифатида тарбиявий ишлар тизимини ҳам такомиллаштириш;
- ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишини, ўқув-тарбия жараёнларида соғлиқни сақлаш усуллари қўлланишини таъминлаш;
- педагог-ходимлар билан ишлаш;
- ота-оналар билан ишлаш;
- таълим муассасини майдонини ахборотлаштириш;

Лойиҳанинг бажарилишини минтақавий Педагогик таълим инновацион кластери маркази ва кластер субъектларининг раҳбарлик ваколатли тузилмалари назорат қилади, бунда ижрони таъминланишига маъсул тажриба-амалиётчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

НАТИЖАЛАР

Таълим самарадорлигини оширишнинг интеграцион механизмини татбиқ этиш натижасида қуйидаги истиқболларга эришиш мумкин:

- ўқув жараёнидаги бошқарув тузилмаси модернизациялашган кўринишга яқинлашади;
- минтақавий таълим муассасалари, педагог кадрлар ўртасида соғлом рақобат муҳити такомиллашади;
- битирувчиларнинг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлиги ортади;
- илмий тадқиқот натижаларининг самарадорлиги ортади;
- ўқувчиларнинг ривожланишини психологик-педагогик таҳлил қилиш асосида таълим сифатини назорат қилиш ҳамда уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини шакллантириш учун дидактик-услубий тизим яратилади;

- ўқувчи шахси, унинг имкониятлари ва қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш учун дастурлар, ҳужжатлар тўплами шаклланади;

- ўқув дастурлари натижаларига кўра ўқувчилар билимларининг сифати оширилади.

ХУЛОСА

Таълим жараёнини биргаликда такомиллаштиришга, узлуксиз таълим тизимини яратишга қаратилган “Таълимда – Чирчиқ тажрибаси” лойиҳасини ташкил қилиш таълим турлари ўртасидаги узвийлик муаммосини бартараф қилишга, ўқувчиларнинг асосий билим, кўникма ва малакаларини тўлиқ таъминланишга, таълим берувчи мутахассисларнинг компетенцияларининг такомиллашувига катта имкон яратади. Бунда таълим жараёни иштирокчилари ўртасида таълимнинг инсонпарварлик, демократик тамойилларига асосланган муҳит шаклланиб, у шахсга йўналтирилган, ўз-ўзини билиш ва ривожлантиришга асосланган таълимни ташкил этишга ёрдам беради.

REFERENCES

1. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), 8104-8111.
2. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.
3. Mardonov, S., Khodjamkulov, U., Botirova, S., & Shermatova, U. (2020). The Need to Educate Young People with the Spirit of Patriotism in the Context of Globalization. Journal of Critical Reviews, 7(12), 243-247.
4. Toshtemirova, S.A. (2019). Klaster yondashuvi asosida mintaqaviy ta'lim tizmini boshqarish. *NamDU ilmiy axborotnomasi*, *1*(11), 361-367.
5. Khodjamkulov, U. (2020). Necessity and Conditions for Forming a Cluster of Pedagogical Education (on the Example of the Education System of Uzbekistan). European Journal of Research and Reflection In Educational Sciences, 8(4), 133-137.
6. Toshev S. (2020). TARIX FANINI O’QITISHNDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR. Science and Education, 1(Special Issue), 6
7. Toshtemirova Saodat Abdurashidovna. Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim.-2020. - № 1 (86). - S.5
8. Gafforov Ya. X. (2019). THE STATE OF HUSTORICAL EDUCATION IN UZBEKISTAN DURING WORLD WAR II. USA(Philadelphia) . -P. 173-175.

9. Абдурахманова, Ж.Н., Тоштемирова, С.А. (2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. *Science and Education*, 1(Issue 7), 436-442.
10. Тоштемирова, С.А. (2020). Педагогика соҳасида кластер модели асосида талабаларни касбга йўналтириш. *Science and Education*, 1(Issue 7), 632-638.
11. Shukurullo Mardonov (2020) Art Pedagogical and art therapeutic technologies in the art classes International Journal of Research in Economics and Sosial Sciences. 10 (Issue 6), 26-36.
12. Абдурахманова Ж. Н. (2020). Инновацион тажриба майдони – “мактаб–лаборатория”нинг таълим тизимидаги ўрни. Муғаллим ҳем ўзликсиз билимлендири. (Issue 1) –Б. 22-26.
13. Тоштемирова С.А. (2020) "Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба-синов майдончаларида "Иқтидор" лойиҳасини шакллаштириш механизмлари // Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў, Нукус. –Б. 46-52.
14. JI Suyundikovich. (2020). TARIXNI O'QITISH METODIKASI RIVOJLANISHI TARIXIDAN. Fan va ta'lim, 1 (5), 195.
15. Тоштемирова С.А. (2020) Таълим сифати самарадорлигини оширишда инновацион ғояларнинг аҳамияти // Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў, Нукус. –Б. 56-61.
16. Usarov Djabbar Eshkulovich, & Suyarov Kusharbay Tashbaevich. (2020). Developing Pupils’ Learning and Research Skills on the Basis of Physical Experiments. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(02), 1337-1346.
17. Абдурахманова Ж. Н. (2019). Тарих фанини ўқитиш усуллари ва уларнинг самарадорлиги // Ta’lim, fan va innovatsiya. T.: 1(4), 35-39.
18. G'afforov, Y., Nafasov, A., & Nafasova, Z. (2020). From the History of the Beginning of the "Great Game". Journal of Critical Reviews, 7(11), 2798-2802.
19. Shukurullo Mardonov. Art Pedagogical and art therapeutic technologies in the art classes. *International Journal of Research in Economics and Sosial Sciences, 10* (Issue 6), 26-36.
20. B Javlonbek. (2020). O'zbekistondagi o'qituvchilik huquqini shaklanish tarixiy. O`tmishga nazar 2 (2-maxsus son), 88.